



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК
Фаргона вилоят худудий бошқармаси бошлиғи
Р.Холиқназаровга

Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 26 Октябр кунги 495 сонли хатингиз ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябр кунги ПҚ-408 сонли қарорига асосан Кува тумани Дамарик МФЙ худудида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида қуйидаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Кува тумани Дамарик МФЙ худуди аҳолисини бир кунлик сув сарфи 200 м³ ҳисобланиб, Дамарик МФЙ худудида 1 донга тик ичимлик сув кудуғи қазилсин, лойиха ва гидравлик ҳисоб китобларига асосан тармок тортилиб МФЙ худуди ичимлик суви билан таъминланиб, қурилиш монтаж ишлари ШНК, ҚМК ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиҳа институтларини жалб қилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилсин. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиҳа-смета ҳужжатлари “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиҳа смета ҳужжатлари берилиши шарт. Акс ҳолда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фаргона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ
Кува бўлими бошлиғи:

Т.Давидов

“Фаргона сув таъминоти” МЧЖ
Кува бўлими ИЧБ муҳандиси:

М.Мухаммадов

